

## ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ТАРИХИЙ ДАВРЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Маликов Бехзоджон Қуролович

Тошкент давлат транспорт университети

“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси катта ўқитувчиси

bexzod.malikov.1983@mail.ru

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада миллий давлатчилигимиз тарихида давлат хизмати ва бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, давлат хизматида кадрлар танлашга оид миллий анъаналар ва қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий эволюцион босқичлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар:* давлат хизмати, давлат хизматчиси, давр, таълимот, модел, тарих, тактик, президент, қонун, хокимият

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье научно анализируются основные эволюционные этапы становления и развития государственной службы и системы управления, становления и развития национальных традиций и ценностей, связанных с подбором кадров на государственную службу в истории нашей национальной государственности.*

*Ключевые слова:* государственная служба, государственный служащий, период, доктрина, модель, история, тактика, президент, закон, власть

### ABSTRACT

*This article scientifically analyzes the main evolutionary stages of the formation and development of the civil service and management system, the formation and development of national traditions and values associated with the selection of personnel for the civil service in the history of our national statehood.*

*Keywords:* civil service, civil servant, period, doctrine, model, history, tactics, president, law, power

### КИРИШ

Давлат хизмати ва бошқаруви тизими асосларининг шаклланишини тарихий нуқтаи назаридан таҳлил этганимизда, Ватанимиз бу соҳага доир назарий қарашлар ва халқчил амалий тажрибалар дастлабки шаклланган ва ривожланган заминлардан бири эканлигига амин бўламиз. Шуни айтиш керакки, давлат хизмати ва бошқаруви тўғрисидаги тизимли илмий-назарий қарашлар умуминсоний тамаддун ривожининг анча кейинги даврига тегишлидир. Лекин

бошқарув тизими ва уни муваффақиятли ташкил этиш, бошқаришни маҳорат билан амалга ошириш билан боғлиқ амалий тажрибалар инсоният жамиятининг амалий сиёсий жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, жуда қадимий даврларга бориб тақалади ва мазкур қадимий тарихни кузатар эканмиз бошқарув тўғрисидаги қарашлар дастлаб назарий манбалардан кўра амалий сиёсий жараёнларда ойдинроқ кўзга ташланишига гувоҳ бўламиз.

ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихини давлат ва жамият бошқаруви, давлат хизмати анъаналари, мансабларга танлаш ва тайинлаш кабилар нуқтаи назаридан даврлаштириш мураккаб масала ҳисобланади. Шунга қарамай давримиз олимлари томонидан бунга уринишлар бор. Жумладан, сиёсатшунос олим Ф.Равшанов мавзуга алоқадор равишда давлат хизматига кадрлар танлашга оид миллий анъаналар ва кадриятларнинг шаклланиш ва ривожланишининг асосий эволюцион босқичларини шартли равишда қуйидагича даврлаштирган: [1]

- **биринчи давр** – қадим замонлардан VIII асрга қадар бўлган давр – давлат бошқаруви, бошқарув маҳорати ва бошқарув тизимига раҳбарлар ва мансабдорларни танлашнинг амалий жиҳатдан шаклланиши даври;

- **иккинчи давр** – IX - XVI асрлар - давлат бошқаруви, бошқарув тизими, раҳбарлик маҳорати ва раҳбарликка танлаш миллий тизимининг ривожланиши, юксалиши ва бу соҳага доир илмий назариялар ҳамда таълимотларнинг юзага келиши даври;

- **учинчи давр** – XVII асрдан XX асрнинг биринчи чорагигача – давлат бошқаруви, бошқарув маҳорати ва раҳбарликка доир миллий тизим амалий ва илмий анъаналарининг турғунлик ва таназзулга юз тутиши даври;

- **тўртинчи давр** – XX аср – 1925-1990 йиллар - давлат бошқаруви миллий анъаналарининг барҳам топиши ҳамда бошқарув ва раҳбарликнинг коммунистик тоталитар усулларига ўтилиши воситасида миллий тизимнинг бутунлай инкор этилиши даври;

- **бешинчи давр** – XX аср охири XXI аср – миллий мустақиллик шароитида ҳамда давлатчиликнинг “Ўзбек модели” асосида бошқарув тизимининг қайта шакллантирилиши, миллий илдизларининг тикланиши ва жаҳон тажрибалари билан бойитилиши даври.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Бошқарув қайси даврда пайдо бўлган бўлмасин, албатта бир мақсадга кўра – юзага келган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш воситасида ҳам муаммони тугатиш, ҳам муваффақиятга эришишни кўзда тутгани учун жамият томонидан

хайрихоҳлик билан қабул қилинди. Ҳаёт қўяётган муаммоларга жавоб бериш бир бутун тактик, стратегик ва тизимлашган бошқарувга оид бир қатор тамойиллар, услублар, яхлит анъанавий қарашлар, муносабатларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Миллий давлатчилигимиз тарихида давлат хизмати ва бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, шунга доир кўплаб асарлар мавжудлигига қарамасдан улар ҳозирги давр нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилган йўқ. Шунингдек, бу соҳадаги миллий меросни ҳозирги ҳуқуқий давлат куриш ислохотларида кенг фойдаланиш учун ҳам махсус объект сифатида ўрганишга зарурият пайдо бўлади.

Ватан мустақиллиги ва фаровонлиги учун олиб борилган курашлар айна вақтда амалий-ҳаётий талаблар ва мажбуриятлар бошқарув тизими ва бошқарув маҳоратида диққат қилиниши лозим бўлган муҳим хусусиятларнинг ўзига хос тизимини шакллантириб борди. Шундай узоқ, давомий ривожланишлар натижасида давлат хизмати ва бошқарувга оид илмий-назарий, илмий-амалий, амалий йўналишлар вужудга келди.

Бу уч йўналиш ҳам ўз доирасида етарли манбаларга эга. Айна вақтда айтиш керакки, бу йўналишлар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Давлат хизмати ва бошқаруви тараққиётининг илмий-назарий йўналишига мамлакатимиз ва минтақамизда яшаб ижод қилган шоирлар, олимлар, диний уламолар ва бошқа мутафаккирлар асос солганлар. Илмий-назарий йўналиш бошқа йўналишлардан фарқли ўлароқ, бошқарув характери, жамият ва раҳбар табиати орасидаги муносабатларни, раҳбарнинг жамиятда тутган ўрни, шунингдек, жамият, раҳбар ва давлат хизматида қўйиладиган ижтимоий принципларни кўпроқ даражада тадқиқ этади. Бу йўналишда жамиятнинг табиати, эҳтиёжлари, назоратни талаб этадиган жиҳатлари, раҳбарнинг бошқарув қобилияти, етакчилик хусусияти, хусусан, маънавий-фалсафий камолотининг, билимининг қай даражадалиги ёки қай даражада бўлиши кераклигини тадқиқ қилиш устун туради. Бу тамойилда масала жамият қандай бўлиши, қандай одам раҳбар бўлиши керак тарзида эмас, жамият қандай бошқарилиши, раҳбар қандай хусусиятларга эга бўлиши керак тарзида қўйилади. Муаммонинг бу тарзда қўйилиши унга нисбатан билдирилган муносабатларнинг хилма-хил бўлишига олиб келган. Ушбу йўналиш таҳлил ёки тадқиқотлар тарзида ривожланиб бориб, охир-оқибатда юртимиз тарихида раҳбаршунослик [2] билан боғлиқ бир қатор манбаларнинг юзага келишига замин ҳозирлади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бошқарув тўғрисидаги таълимотларнинг илмий-амалий йўналиши тарихимизда раҳбарлар, ижодкорлар ҳамда диндорларнинг яқин муносабатлари, яъни давлат бошқаруви ишларида ижодкорлар ва дин пешволари иштирокининг одатий ҳолга айланиши билан юзага келган йўналишдир. [3] Маълумки, XX аср бошларига қадар мамлакатимиз тарихида бошқарув монархияга асосланган эди. Шунга кўра давлат бошқарув аппаратидаги лавозимлар бош раҳбар ва вазирлар буйруқларига кўра тақсимланган, мансабдор шахсларни тайинлаш ҳам улар ихтиёрида бўлган. Гарчи раҳбарлик лавозими шахсга ана шу ихтиёрли шахслар томонидан тақдим этилган бўлсада, шахснинг тайёргарлигига ҳам эътибор қаратилар эди.[4] Юқори лавозимдаги раҳбар шахслар ўз фарзандларини донишманд, ижодкор ва ўткир билимли кишилар қўлига топшириб, тарбия қилганлар. Бўлғуси раҳбар саройда бошқарувнинг амалий жараёнларини кўриб бориш билан бирга ўзига беркитилган оталиқ ёки устоздан илмий-назарий тарбия ҳам олиб борган. Тарихимизда шундай қайдлар мавжудки, баъзан бу тарбиячилар раҳбар номидан давлатни бошқарган ёки раҳбарга тенг мавқега эга бўлганлар. Шунга кўра ушбу йўналиш илм аҳлининг бошқарув ишларида бевосита иштироки билан ҳам изоҳланади.[5]

Бошқарув тўғрисидаги таълимотларнинг амалий йўналиши бутун жаҳон халқлари тарихий давлатчилигида энг кенг тарқалган тамойил бўлиб, жумладан, халқимиз тарихида ҳам у кўп асрлар давомида қўлланилган. Амалий йўналишга бошқарув ва раҳбаршуносликнинг тартибсиз йўналиши сифатида қарамаслик керак. Тарихда яшаган ҳар бир давлатнинг (кўп ҳолларда ёзма тарзда қайд этилмаган бўлсада) шахсларнинг амалий фаолиятини белгилаб берувчи ўзига хос амалий раҳбаршунослиги мавжуд бўлган. [7] Амалий фаолиятини баҳолаган ҳолда раҳбар танлаш баъзи тарихий давлатларда қонунлаштирилган ёки қатъий низом сифатида белгилаб қўйилган ва бу қоидалар анъана сифатида барчага бирдай маълум бўлган.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хулоса ўрнида миллий давлатчилигимиз тарихида давлат хизмати ва бошқарув маҳоратига доир бир қатор асарлар яратилган бўлиб, биз бугунги кунда уларни масалага бевосита даҳлдор асарлар, айтилиши вақтда илмий-назарий манбалар сифатида қайд этишимиз мумкин. Бу асарларда мавзуга оид масалалар турли тарзда ёритилади.[8] Уларнинг баъзиларида давлат ва жамият бошқаруви давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёти жараёнлари билан боғлиқ равишда таҳлил этилган бўлса, бошқаларида давлат хизматига доир тамойилларнинг ўзи ривожлантирилиб, бу соҳада ўзига хос

дастурий қарашлар ифода этилади. Шунинг учун ҳам давлат хизмати ва бошқарув асосларини ўрганишда бу соҳадаги миллий меросга доир манбаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси бевосита манбалар бўлиб, унда давлат хизмати ва бошқарув масалалари имкон қадар яхлитроқ тарзда ифодаланган. Иккинчиси билвосита манбалардир. Улар турли шахслар ва турли асарлар томонидан қайд этилган давлат хизмати ва бошқарувга доир фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олиб, ўз моҳиятига кўра бу соҳага оид назарий қарашларни ифодаласада, кўпроқ раҳбар шахс характерининг айрим фазилатлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар беради. Бу каби манбалар сирасига кўпроқ бадий асарлар, тарих солномаларини киритиш мумкин. Лекин уларнинг баъзиларини бадий услубда ёзилганлигига қарамай, давлат ва жамият бошқаруви, мансабдорлар танлаш ва тайинлашнинг назарий масалаларига бевосита дахлдор тарихий манбалар қаторига қўшиш мумкин.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Докторлик диссертацияси. –Тошкент, 2009. -358 б.
2. Бехзоджон Куролович Маликов ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР // Academic research in educational sciences. 2021. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-davlat-hizmatini-tartibga-solishdagi-muammolar> (дата обращения: 20.12.2022).
3. Маликов, Б. Қ. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ДОИР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ. *Scientific progress*, 1(4), 207-212.
4. Маликов, Б. Қ., & Икромов, Д. Р. Ў. (2022). ШАРҚ ТАЪЛИМОТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҒОЯЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 483-487.
5. Маликов, Б. Қ. (2021). ЁШЛАРНИ САЛБИЙ МАФКУРАВИЙ ТАХДИДЛАРДАН ХДМОЯ КИЛИШ-ДАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM ILMIY-METODIK JURNALI. *ISSUE*, 1(1), 202-206.
6. Маликов, Б. Қ., & Абдураимов, О. К. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 449-453.
7. Маликов, Б. Қ., & Дехқонбоев, Ш. Б. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ



ОМИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 462-466.

8. Маликов, Б. Қ., & Эшқурбонов, А. И. Ў. (2022). АДЛАТЛИ ЖАМИЯТДА ОДИЛ СУД СИФАТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 467-472.

9. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, Б. К. Ў. (2022). ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ ҚАДРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 473-478.

10. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, С. К. Ў. (2022). ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҲОЯЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 479-482.

11. Маликов, Б. Қ., & Болиева, Н. Қ. Қ. (2022). ХУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 458-461.

12. Маликов, Б. Қ., & Бўриев, З. Б. Ў. (2022). ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ХУҚУҚИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 454-457.

13. Qurolovich, M. B. (2023). ALISHER NAVOIYNING VATAN VA DAVLAT XIZMATCHISI SIFATIDAGI SIYOSIY QARASHLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 78-81.

14. Qurolovich, M. B. (2023). YOSHLARNING SIYOSIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS HUSUSIYATLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 73-77.